



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељагаи
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 24 июнь, № 131 (8193)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни электр энергетикаси корхоналари фаолиятини трансформация қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли талаби тобора ўсиб, ёқилғи-энергетика тармоғи шунга мутаносиб модернизация қилинмоқда. Бу ишлар давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 мартдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси асосида олиб боришмоқда.

Хусусан, собиқ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти негизига электр энергияси ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотиш бўйича 3 та алоҳида тузилма ташкил этилди. 7 миллион истеъмолчи Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига улашиб, аҳолидан тўлов ундириш 100 фоиз таъминланмоқда. Генерация соҳасида жами 7 миллиард долларлик 19 та қуёш, шамол ва иссиқлик электр станциялари қуриш бўйича лойиҳаларга хорижий инвесторлар жалб қилинди.

Шу билан бирга, соҳада рақобатни яратиш, энергия таъминотининг ҳажми ва сифатини ошириш бўйича ҳали

қилинадиган ишлар кўп. Жумладан, энергетика тизимини модернизация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун келгуси йилларда 20 миллиард долларга яқин инвестиция талаб этилади. Бунинг учун соҳада рақобатли бозорни шакллантириш ва хусусий инвесторларга шароитларни кенгайтириш зарур.

Шу боис йиғилишда энергетика бозорини бошқариш бўйича янги тизим яратиш масалалари муҳокама этилди. Хусусий генерация корхоналари улашини учун тенг шароит яратиш мақсадида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг электр энергиясини янага харид қилиш ва магистраль тармоқларни бошқариш ваколатларини ажратиш тақлифи билдирилди. Бунда ягона харид қилувчи компания барча электр станцияларидан электр энергиясини шартнома асосида сотиб олиб, йирик корхона ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотади. Магистраль тармоқ оператори эса электр энергиясини етказиб

бериш, йўқотишларни камайтириш ва энерготизимни техник бошқариш билан шуғулланади.

Келгуси йилда 14 та туман ва шаҳарда “Худудий электр тармоқлари” АЖга муқобил тарзда, истеъмолчиларга электр энергиясини сотадиган хусусий чакана электр савдо компаниялари ташкил этилади.

Шунингдек, тармоқ раҳбарларига трансформация жараёнини жадаллаштириш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қила оладиган компанияларга айлантириш кераклиги таъкидланди. Соҳа корхоналарининг операцион харажатларини оптималлаштириш, электр узатиш тармоқларини янгилаш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Ҳукумат ва соҳа раҳбарларига ушбу ислохотларни амалга ошириш учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ЗАМОН ТАЛАБИ



Президент Шавкат Мирзиёевнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида илгари сурилган тақлифлар чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Дунё нигоҳи

Хорижий давлатлар, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи ахборот агентликлари ва нашрлари ўз саҳифаларида учрашув якунлари ҳақидаги маълумотлар, халқаро экспертлар ва Ўзбекистон фуқароларининг бу борадаги фикрларини бериб бормоқда.

Хусусан, Қозоғистоннинг етакчи “Казинформ” ахборот агентлиги Ўзбекистон раҳбари мамлакатнинг Асосий Қонунида инсон эркинлиги, кадр-қиммати ва ҳуқуқлари дахлсизлигини ҳурмат қилиш масалаларини белгилаб

қўйиш зарурлигини илгари сурганига эътибор қаратган.

Шунингдек, ушбу мамлакатнинг оммабоп “Инфозакон” портали Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табригида Асосий Қонуннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг янада мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш учун унга тўқизта устувор йўналиш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан аниқ тақлифларни илгари сурганини қайд этган.



ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ОЛИЙ ЎРИНДА

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар барчамиз учун ўта муҳим ва аҳамиятлидир. Ҳозирда ҳар бир фуқарога Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тақлиф бериш бўйича барча имконият яратилган.

Муносабат

Ушбу жараёнда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти ҳам фаол иштирок этиб, аҳоли муносабатлари асосида тайёрланган тақлифларни Конституциявий комиссияга киритди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритиш ва ташкилий чора-тадбирлар

ни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашувида долзарб масалаларни илгари сурди. Бош қомусимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда биринчи йўналиш сифатида “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи” белгиланди.



МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАЖРИБАСИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Терроризмга қарши курашиш ва зўравон экстремизмнинг олдини олиш бўйича миллий ҳаракатлар режаларини амалга оширишда Марказий Осиё давлатлари парламентларидаги аёлларнинг роли” мавзуида форум бўлиб ўтмоқда.

Форум

Тадбир БМТ тузилмалари — Терроризмга қарши кураш бошқармаси ҳамда Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Нуфузли форумда Марказий Осиёнинг бешта давлати парламентларидаги хотин-қизлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ташқи ишлар вазирликлари ва хавфсизлик хизматлари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиёдаги аёл парламентарийларнинг экстремизмнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларини кучайтириш ва бирлаштиришдан иборатдир.

«Халқ сўзи».

30 июнь — Халқаро парламентаризм куни

Ўзбекистон ва Парламентлараро Иттифоқ:

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ОДИМЛАРИ



Ҳар йили 30 июнь — Халқаро парламентаризм куни бутун дунёда кенг нишонланади. Ушбу муҳим умумбашарий сана сайёраимиздаги ёши энг улўв халқаро ташкилот — Парламентлараро Иттифоқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Парламентлараро Иттифоқ 1889 йилнинг айнан 30 июнида таъсис этилган. Бу нуфузли халқаро ташкилот ўтган даврда том маънода парламентлараро халқаро бирдамликнинг ёрқин ифодасига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 июнда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда глобал парламентлараро ҳамкорлик халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Парламентлараро Иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгонгни қабул қилди. Ўзаро мулоқот чоғида мамлакатимизнинг

ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан шериклигини янада кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Парламентлараро Иттифоқ Бош қотиби мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантиришдаги сезиларли ютуқларни қайд этди. Ўзбекистоннинг бу борадаги глобал ташаббусларини юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.



ҒАЛЛАЧИЛИК ИСЛОҲОТИ:

ЎЗИМИЗНИНГ ДОН, ЎЗИМИЗНИНГ НОН



Дунё бозорларидаги шафқатсиз рақобат, савдо урушлари, айрим давлатлар ўртасидаги турли можаролар, иқлим ўзгариши, табиий офатлар, шу жумладан, қоронавирус пандемияси озиқ-овқат хавфсизлигини кун тартибига чиқарди. Халқаро экспертларнинг фикрга қўра пандемия оқибатида очарчиликдан қўйналаётган аҳоли сони 2 баробар ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етди. Сурия, Афғонистон, Ироқ, Ливия, Яман, Судан, Эфиопия, Нигерия каби мамлакатларда озиқ-овқат, хусусан, нон етишмовчилиги кузатишмоқда...

Бугуннинг гапи

- Умуман, бугун жаҳон оммавий ахборот воситаларида энг кўп ёритилаётган мавзу — нон ва ғалла тақчиллиги масаласи.
- Ўзбекистонда-чи?
- Юртимизда ғалла тақчиллиги бўлмаслиги ростми?
- Ҳукумат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қанчалик тайёр?
- Нон нархи нега ошди?
- Аслида биз истеъмол қилиб турган нон қиммати ёки арзон?

Халқаро ташкилотлар бонг урганича бор. Негаки, Европадаги воқеалар сабабли озиқ-овқат тақчиллиги юзага келгани, нархларнинг баландлиги ҳамда ўғитлар тақчиллиги оқибатида дунё бўйлаб очликда яшайдиганлар сони 218 миллион кишига қўпайгани инсониятни сергак тортирди.

Италиянинг “Corriere della Sera” газетасига берган интервьюсида БМТ вакили Маурицио Мартини шу ҳақда баёнот тарқатди. Украинага қарашли портларда 6 миллион тонна бугўдай ва қарийб 14 миллион тонна маккажўхори жаҳон бозорларига жўнатилмай турибди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

⬅(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3) қуйидаги мазмундаги **115¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**115¹-модда. Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш**

Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўриктиб содир этилган бўлса, –
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушга ҳаракатлар ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёхуд моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

4) **133-модда:**
номи ва биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**133-модда. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш**

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишининг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, бундан ушбу Кодекснинг 115¹, 133¹, 133²-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шунингдек вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш»;

иккинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушга ҳаракатлар:
а) гаразли ёки бошқача паст ниятларда;
б) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
г) шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса»;

5) қуйидаги мазмундаги **133¹ ва 133²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«**133¹-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси**

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, –
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушга ҳаракатлар:
а) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –
беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

133²-модда. Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш

Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

6) **135-модда иккинчи қисми диспозициясининг «к» банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«к) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса»;

7) **137-модда учинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги мазмундаги «**в**» банд билан тўлдирилсин:

«в) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9,

241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда) **345-моддасининг бешинчи қисмидаги «117-моддаси** иккинчи ва учинчи қисмларида, 118, 119-моддаларида, 121-моддаси иккинчи қисмида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддаси иккинчи қисмида, 131-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 133-моддаси иккинчи қисмида, 134, 135-моддаларида» деган сўзлар «115¹-моддасида, 117-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 118, 119-моддаларида, 121-моддаси иккинчи қисмида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддаси иккинчи қисмида, 131-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 133-моддаси иккинчи қисмида, 133¹, 133², 134, 135-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «**Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–154-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августда қабул қилинган ЎРҚ–633-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 8, 490-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасининг бешинчи хатбошисидagi** «инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олишни» деган сўзлар «инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида**»ги ЎРҚ–276-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «ўз жасадида (сақланиб қолган тана қисмларидан) органлар ва (ёки) тўқималар ажратиб олинишига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2022 йил 23 июнь
№ ЎРҚ–780

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ЗАМОН ТАЛАБИ

⬅1 Давлат раҳбарининг “Жамият — ислохотлар ташаббускори” эгуи госяни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолигини оширишда муҳим қадам бўлгани таъкидланган. Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва мавқеини конституциявий мустақамлаш учун ушбу соҳага ҳуқуқий ўзгартишлар киритишни давр талаб этмоқда, дейилгани ургулган мақолада.

Хиндистоннинг “International Affairs Review”, “Sarkartel” ва “Diplomacy India” онлайн-порталларида Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Материалларда Президент Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашгани қайд этилган. “Давлат раҳбари тадбирда Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳока-масида кўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиши йўли билан қабул қилишни таклиф этди. Конституциявий ислохот нима учун айнан ҳозир зарури-лиги ва бу фуқароларга нима бери-шига оид саволларга батафсил тўхта-либ ўтди. Шунингдек, у ўз нутқида мам-лакатнинг ахамиятга эга бўлади? Энг муҳими, конституциявий ислохотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига нима беради?”, деган саволларни ўртага ташлагани маълум қилинган.

Хиндистон оммавий ахборот воси-таларида Ўзбекистон Президенти сўнги 6 йил ичида жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий қўёфаси тубдан ўзгаргани-ни таъкидлагани қайд этилган. Ўзбекис-тон етакчиси йилгилишда “мана шун-дай ҳал қилувчи паллада ва келажакда давлатимизда, жамиятимизда инсон-нинг ўрни ва қадри қандай? Қандай сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қад-рият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади? Энг муҳими, конституциявий ислохотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъ-минлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётига нима беради?”, деган са-воллари ўртага ташлагани маълум қилинган.

“Бу саволларнинг барчасига жа-воб-ни пухта ишланган ҳуқуқий нормалар орқали Конституциямизда акс эттириш — давр тақозосидир”, дея Президент Шавкат Мирзиёев сўзларидан иқтибос келтирилади.

Шунингдек, давлат раҳбари “Инсон қадри учун” госянини ҳамда ҳозирги ис-лохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашуви Конституциянинг мазмуни-га чукўр сингдириб, амалий ҳаётда бош

қадриятга айлантириш зарурилгига эътибор қаратгани таъкидланган. Ин-соннинг қадр-қиммати, шаъни ва гуру-ри бундан бўён барча соҳада биринчи ўринда туриши кераклиги ургулангани ҳақида сўз юритилган.

Мақолаларда Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш таклиф этилганига ҳам алоҳида эътибор қартилган.

“Ўзбекистон Президенти ҳуқуқмати шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлис ваколатларини кен-

қўшимча қилди у”, деб ёзилади ҳинд онлайн-порталларида.

Эроннинг “Iran News” газе-тасида “Янги Ўзбекистон янги демок-ратик Конституция қабул қилишга интилкидаги” сарлавҳаси остида мақо-ла чоп этилди.

Унда Президент ўз нутқида тўртта устувор йўналишга эътибор қаратгани ва уларнинг ҳар бири бўйича таклиф-лар билдиргани ҳақидаги маълумот-лар ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Улар орасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги ва қадр-қиммати,

ҳақидаги таклифлари мазмун-моҳия-тига алоҳида эътибор қартилган. Давлат раҳбарининг сўзлари билан айтганда, янгиладиган Конституция мамлакат, умуман, унинг келажаги ва эртанги фаровон ҳаётини узоқ му-ддатли ривожлантириш стратегиясининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва ишончли кафолати бўлади, дейилади мақолада.

Нашрда Президент мамлакат фуқа-роларини конституциявий ислохотлар жараёнида фаол қатнашишга чақиргани қайд этилган.

Испаниянинг етакчи “El Mundo Financiero” онлайн-нашри томонидан ушбу мавзуга бағишлаб эълон қилинган мақолада Ўзбекистон Президенти мамлакат Асосий Қону-нига қатор ўзгартишлар киритиш так-лифини илгари сургани қайд этилган.

“Ўзбекистон Президенти Конститу-цияга ўзгартишлар киритиш бўйича умумхалқ референдуми ўтказилса, “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқдир” деган тамойилга тўла мос келишини таъкидлади”, деб ёзилади манбада. Нашр давлатимиз раҳбарининг шунда ҳар бир ўзбекис-тонлик гурур билан Янги Ўзбекистон Конституциясини “меннинг Конститу-циям” деб баралла айта олади, деган сўзларини ўқувчилар эътиборига ҳаво-ла қилган.

Тожикистоннинг “Asia-Plus” ахборот агентлиги томонидан “Ўзбекистон Президенти Конституция-га ўзгартишлар киритиш бўйича миллий референдум ўтказишни таклиф қилди” сарлавҳали мақола чоп этилди.

“Мамлакатимиз Конституцияси мус-тақиллик йилларида эришилган барча ютуқларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пой-девори бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, ҳаёт ҳам, халқимизнинг дунё-қарашини ҳам ўзгармоқда”, дея Ўзбе-кистон Президентининг сўзларидан иқтибос келтирилади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашуви янги Конституцияга мазмунига чуқур синг-дирилиб, амалий ҳаётда бош қадриятга айлантирилиши зарурилгига ҳақидаги фикрларига ўқувчилар эътибори қартилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 июнь куни Асосий Қонуни ислох қилиш бўйича Консти-туциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувдаги нуткидан иқтибослар Хитойнинг **“Жэньминь жибао” газетасининг онлайн-нашрида**, шунингдек, **“Синьхуа” ахборот агентлиги**, **“Хитой” жур-нали**, **“Silk Road Review”, “Pseacher”** ва бошқа нашрларда ҳам эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 июнь куни Асосий Қонуни ислох қилиш бўйича Консти-туциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувдаги нуткидан иқтибослар Хитойнинг **“Жэньминь жибао” газетасининг онлайн-нашрида**, шунингдек, **“Синьхуа” ахборот агентлиги**, **“Хитой” жур-нали**, **“Silk Road Review”, “Pseacher”** ва бошқа нашрларда ҳам эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 июнь куни Асосий Қонуни ислох қилиш бўйича Консти-туциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувдаги нуткидан иқтибослар Хитойнинг **“Жэньминь жибао” газетасининг онлайн-нашрида**, шунингдек, **“Синьхуа” ахборот агентлиги**, **“Хитой” жур-нали**, **“Silk Road Review”, “Pseacher”** ва бошқа нашрларда ҳам эълон қилинди.

“Дунё” АА.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ОЛИЙ ЎРИНДА

⬅1 Омбудсман бош-чилигидаги жамоат-чилик гуруҳлари томонидан жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхонала-ри ва бошқа ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга мониторинг таширфлари амалга ошири-либ, у ерда сақланувчиларга яратилган шарт-шароитлар, инсон қадр-қимматини кам-ситувчи ҳамда қийноққа со-лиш ҳолатларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ўрга-нилади. Ҳаракатлар страте-гияси доирасида белгилан-ган вазифалардан келиб чи-қиб, йўлга қўйилган миллий превентив механизм доира-сида олиб борилган мони-торинг таширфлари натижа-сида ёпиқ муассасалардаги шароитлар яхшиланиб, халқ-аро стандартлар даражаси-га етказилмоқда.

Лекин яна олдинда қили-ниш керак бўлган ишлари-миз кўп, режаларимиз ҳам. Шу нуктага назардан давлати-миз раҳбари томонидан “Озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга нисбатан инсоний муносабат ва улар-нинг қадр-қиммати таъмин-ланиши шарт”, деган норма-ни Асосий Қонунимизда акс эттириш бўйича таклифи гоят долзарб эканини қайд этмоқчиман.

Мамлакат Президенти то-монидан таъкидланган “снос” масаласи бўйича ўтган йилда Омбудсманга ҳам қўллаб муносабатлар ке-либ тушган эди. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида хусусий мулк дахлсиз ва у давлат ҳимоя-сида эканлиги ва бу борада қонунчилигимизда белгилан-ган нормалар юзасидан эс-латма шаклида муносабат берилганди. Мазкур масала-га дахлдор тегишли қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, уй-жой бўйича конституциявий кафо-латни белгилаб қўйиш мақ-садга мувофиқ.

Чунки ўз уйининг қийма-тига мос компенсация бер-май туриб, фуқарони мажбу-рий кўчириш ёки уй-жойга ёйини шахсининг бошқа мол-мулкига унинг рухсатсиз кириш инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши саналади. Шунингдек, Омбудсман нафақат Ўзбекис-тон Республикаси фуқарола-ри, балки чет эл фуқарола-рининг ва фуқаролиги

бўлмаган шахслар-нинг хусусий мулк-лари дахлсиз экан-лигига оид қўшим-ча киритиш тараф-дори. Ушбу ўз-гартиш Ўзбекис-тоннинг инвести-циявий жозибадор-лигини оширишга хизмат қилади.

Янги тахрирдаги “Н о г и р о н л и г и бўлган шахслар-нинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашининг асосий прин-циплари белгилан берилди.

Хусусан, ушбу ҳужжат би-лан ногиронлиги бўлган шахс-ларнинг иқтимоий объект-ларда ҳеч қандай тўсиқлар-сиз ҳаракат қилиши учун шарт-шароитларни яратиш белгиланган. Бундан бўён ногиронлиги бўлган шахс-ларнинг ҳеч бир шаклда камситилишига йўл қўймас-лик учун ҳам, авваламбор, қулай муҳитни таъминлаш-нинг аниқ механизмларини жорий қилиш мақсадга му-вофиқ.

Шу боис Асосий Қонуни-мизга ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар қандай ажра-тиб қўйиш, уларнинг ҳуқуқла-рини чеклаш, объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш-дан бош тортиш тақиқлани-шига оид норманинг кирити-лиши Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлаш борасидаги позициясини яна-да мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Бош қомуси-мизда ҳомилдорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилиш-ни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини қамайтириш тақиқланиши ҳақидаги қондининг консти-туциявий даражада белгилаб қўйилиши ҳам мамлақати-мизда хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватла-

наётганининг амалий тас-диги бўлади. Ҳақиқатан ҳам ушбу му-аммо билан кўплаб хотин-қизлар тўқнашадилар ва бу Омбудсманга юбориладиган муножаатларда ҳам ўз акси-ни топган. Бу эса жамияти-мизда эркак ва аёлларга тенг шароитлар яратиш ке-раклиги бўйича норманинг самарали ишлашига замин яратди. Шу жиҳатдан ҳам Омбудсман юқоридаги қондининг Конституциямиз-да акс этиши мақсадга му-вофиқ, деб ҳисоблайди. Бу билан хотин-қизларнинг ўзига ва давлатга бўлган ишончи янада ортади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини та-қомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Фар-монда Омбудсманга қонун-чилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши белгиланган эди.

Чунки инсон ҳуқуқлари ҳи-моясига оид энг самарали таклифлар айнан Омбудс-маннинг муножаатлар билан ишлаш бўйича қундалик ама-лиётда, одамлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, суд ҳокимияти ва экспертлик ҳамжамяти билан бевосита ҳамкорлигида шаклланади.

Бу борада ечимини қутаётган муаммолар ҳам айнан шу жа-раёнда юзга чиқади.

Шу жиҳатдан Конституциямиздаги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қаторида Омбудсман институтининг ҳам бўлиши қонун ижодкорлиги жараёнининг янада тақомиллаштирилишига хизмат қилади. Зеро, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг ҳам асосий мақсади инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига қўмаклашидир.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Сенат кўмитасида КИНЕМАТОГРАФИЯ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида Кинематография агентлиги бош директорининг ахбороти эшитилди.



бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослаштирилган Ўзбекистон кинематография академияси, унинг қошида фильмлар ижодий гуруҳи иккинчи таркиб мутахассисларини тайёрлашга ихтисослаштирилган ўрта махсус таълим муассасалари ташкил этилмаган.

Қайд этилганидек, агентлик томонидан ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, 2019 — 2021 йилларда 300 та кино махсулоти (63 та бадиий ва 126 та ҳужжатли фильмлар, 10 та сериал, 24 та мультфильм, ёш киноматографлари иштирокидаги 60 та қисқа метражли фильм, 3 та болалар юмористик киножурнали, 14 та видеоороль) яратилган.

Хусусан, Мухаммад Имом Исо Термизий, Ҳақим ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Абу Муин Насафий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий тўғрисида ҳамда яқин ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи “Ислоҳқўжа”, “Қўқон шамоли”, “Авлоний” номли бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинган бўлиб, улар айни пайтда халқимиз томонидан севиб томоша қилинмоқда.

Ўз навбатида, хорижий давлатларда “Ўзбек киноси кунлари” ташкил қилиниб, унда “Рангсиз тушлар”, “Илҳақ”, “Ибрат” ва “Тутқунлик” сингари фильмлар намойиш этилган.

Қолаверса, ҳудудларда кино ижодкорлари иштирокида фильмлар намойишлари назарда тутуви “Кинокарвон” акциялари ўтказилган.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди.

Жумладан, ҳозиргача “Кинематография тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилмаган.

Бундан ташқари, кинематография

ҲАР БИР МУРОЖААТ НАЗОРАТДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётгани бўйича кўмита эшитишга ўтказилди.

Таҳлил

Кун тартибидagi масала юзасидан Ташқи ишлар ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлрининг ахборотлари эшитилди.

Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Э. Ҳамроев қайд этганидек, 2022 йилнинг июнь ойига қадар Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ва консуллик муассасаларига фуқаролардан 45 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппаратида эса ушбу давр мобайнида жами 8 минг 800 га яқин мурожаатлар келган.

Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар, асосан, фуқароларга чет элда консуллик-хуқуқий хизматлари кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан кўзатишган жиноят ишлари ҳолисона қўриб қилиши учун дипломатик ваколатхоналар орқали хорижий давлатларнинг тегишли суд ва хуқуқ-тартиб қораларидаги илти-масдонликлар киритиш, хорижда шахсини тасдиқловчи ҳужжатини йўқотган фуқароларга Ватанга қайтиш гувоҳномасини расмийлаштириш, фуқароларнинг хорижда бўлиши ва уларнинг юртимизга қайтиши учун моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ. Ҳисобот даврида вазирик томонидан ушбу мурожаатларнинг ўз вақтида қўриб қилиниши ва тегишли чора-тадбирлар қўрилиши таъминланган.

Эшитишда Украина ҳудудида ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан сўнг, мазкур давлатдаги фуқароларимиз ва уларнинг Ўзбекистондаги қариндошларининг мурожаатлари асосида ушбу мамлакатда бўлиб турган юртодшларимизга зудлик билан ёрдам кўрсатишга кири-шилганилиги алоҳида қайд этилди. Жумладан, фуқаролардан келиб тушган қўллаб-муражаатларга мувофиқ уларга амалий ёрдам қўрсатилди ҳамда “Uzbekistan Airways” АЖнинг махсус ташкил этилган рейслари ёрдамида Польша ва Руминия давлатлари ҳудудлари орқали 6 минг 30 нафар фуқаро Ўзбекистонга эвакуация қилинди.

Йигилишда, шунингдек, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э. Муҳитдиновнинг ҳисоботи эшитилди.

Мазкур ҳисоботга кўра, шу йилнинг ўтган беш ойида вазирик, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда унинг филиалларига жисмоний ва юридик шахслардан жами 93 минг 213 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатлар асосида хорижда ишлаётган ва хорижда ишлаш истагиди бўлган фуқароларнинг 67,1 минг нафарига ахборот-маслаҳат хизматлари, 3,7 минг нафарига хуқуқий кўмак ва 3,6 минг нафарига ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Парламентлараро Иттифоқ: ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ОДИМЛАРИ

Ўз навбатида, 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Парламентлараро Иттифоқ билан кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ҳужжат қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепциясида белгиланганидек, Парламентлараро Иттифоқ, ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчилари бўлган давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеясида ва бошқа халқаро парламент ташкилотлари фаолиятида Олий Мажлисининг иштирокини фаоллаштириш мамлакатимиз парламент дипломатиясининг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

ПАИ — жаҳон халқларининг вакиллик органи

Парламентлараро Иттифоқ (ПАИ) — дунё парламентларининг етакчи халқаро ташкилоти сифатида 179 мамлакатни ўзида бирлаштирган. Минтақавий парламентлараро бирлашмаларнинг 13 таси ҳам ПАИнинг коллектив аъзолари ҳисобланади. 1971 йилдан буён бош қароргоҳи Женевада жойлашган. Бугунги кунда ПАИ суверен давлатлар парламентларининг халқаро ташкилоти сифатида:

биринчидан, аъзо миллий парламентлар ва уларнинг депутатлари ўртасида юксак демократик қадриятларни илгари суриб келмоқда;

иккинчидан, барча парламентларнинг аъзолари ўртасида яқин муносабатларни ривожлантириш йўли билан вакиллик органларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда;

учинчидан, ПАИга аъзо парламентлар ҳамкорлигида фаолият олиб бориши учун уларнинг сазй-ҳаракатларини бирлаштиришга ҳизмат қилмоқда;

тўртинчидан, барча миллатлар ўртасида тинчлик ва барқарорлик, ҳамкорлик ва мулоқотни рағбатлантиришмоқда;

беешинчидан, хавфсиз ва ҳамжиҳат келажакни таъминлаш учун самарали фаолият юритмоқда.

ПАИ халқаро низолатларнинг тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдоридир. Бунда бутун дунё парламентларининг аниқ ҳаракатларига танган ҳолда, вакиллик демократияси, тинчлик ва халқаро хавфсизлик, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ, гендер тенглик, халқаро савдо-сотик, шунингдек, таълим, фан ва техника соҳаларида самарали парламент дипломатиясидан фойдаланиш муҳим роль ўйнамоқда.

ПАИ дунё мамлакатларининг қонун чиқарувчи органлари учун глобал мулоқот майдони ҳисобланиб, унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига етказилади. Парламентлар ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида бирликлда фаолият кўрсатиш учун уларни бирлаштириш ПАИнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда ПАИ овози дунё бўйлаб тобора баланд янграмоқда. Мазкур ташкилот фаолияти мисолида ҳозирги замон халқаро муносабатлари мезонларининг самарадорлиги яққол кўринмоқда.

ПАИ фаолиятининг халқаро эътирофи ҳақида фикр юритганда, мазкур халқаро ташкилотга асос солган арбоблардан Фредерик Пасси ва Уильям Кремер, ПАИнинг илк Бош котиби Альбер Гоба, кейинги даврда ташкилотга раҳбарлик қилган Огюст Беернарт ва Фернан Бюиссон тинчлик бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Янада муҳими, Ф. Пасси тинчлик бўйича Нобель мукофотининг дастлабки совриндоридир.

Бу борадаги намунали парламент дипломатиясини рағбатлантириш ва парламентлар аъзоларининг янада мустаҳкам тинчлик ва демократик жамиятларга эришиш йўлида астойдил интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ПАИ томонидан 2021 йили “Кремер-Пасси мукофоти” тасвис этилди. Ушбу мукофот ПАИ мақсадларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш истаги, шунингдек, дунёнинг яқидл, адолатли, хавфсиз, барқарор ва тенг ҳуқуқли бўлишига улкан ҳисса қўшган парламент аъзоси ёки бир гуруҳ аъзоларига ҳар йили 30 июнь — Халқаро парламентаризм куни ва ПАИ ташкил топган санада топирилади.

Дунёдаги барча парламентлар аъзолари Халқаро парламентаризм кунини байрам сифатида нишонлаш муҳим ва зарурлигини эътироф этади. Чунки ушбу халқаро сана, бир томондан, жаҳон миқёсида парламентларнинг мавқеи мунтазам юксалиб бораётганини намоён этса, иккинчи томондан, парламентлар фаолиятини кенг қўламада тарғиб қилиш ва таништиришда улкан аҳамият касб этади.

ПАИ ташкил топганидан кейинги 133 йил давомида қўллаб-халқаро ва минтақавий парламентлараро ташкилотлар юзага келиши учун намуна бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кунда глобал ва минтақавий парламентлараро ташкилотларнинг сони 100 тадан ошди.

ПАИ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) билан яқин ҳамкорлик қилади ва унинг мақсадлари ҳамда вазифаларини қўллаб-қувватлаб келади. ПАИга БМТнинг Бош Ассамблеяси қошидаги кузатувчи-ташкилот макрми берилган.

Чорак аср давомида ҳар икки нуфузли халқаро ташкилот ўз вазифаларини астойдил бажариш, бошқа халқаро ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, умумий мақсадларга яқдиллик билан интилиш борасида ҳамisha ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб келмоқда. Иккала халқаро ташкилотнинг ҳам мақсад-вазифалари кўп жиҳатдан уйғун ва ҳамохангдир.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш — муҳим масала

Ўзбекистон Республикаси ПАИга 1992 йлда аъзо бўлган. Мамлакатимиз 2017 йил 13 октябрдан мазкур ташкилотдаги аъзолигини қайта тиклади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ПАИ билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

2019 йил 17 октябрда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор мамлакатимиз вакили ПАИ Ижроия кўмитасининг аъзоси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари 2020 — 2023 йиллар оралиғидаги мuddатга ушбу лавозимга сайланди ҳамда ПАИ вице-президенти этиб тайинланди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ПАИ глобал миқёсда ёки БМТ билан муносабатларда миллий парламентлар каби амалий ваколат ва нуфузли имкониятларга эга эмас. Мазкур халқаро ташкилот муайян сиёсий масалалар юзасидан ўзининг барча аъзолари номидан иш тутга олмайд. Оқибатда БМТнинг асосий резолюция ва декларацияларида парламентлар аъзоларининг овози баъзан ҳисобга олинмасдан қолимоқда.

Шу нуктаи назардан, миллий парламентлар делегацияларининг БМТ ўтказадиган тadbирларда, хусусан, Барқарор ривожланиш мақсадлари ижросининг муҳокамаларида, БМТ махсус муассасалари, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ҳамда БМТнинг шартномавий кўмиталари мажлисларида фаол иштирок этишни қўллаб-қувватлаш зарур. Бунда ПАИ, айниқса, БМТ билан яқиндан ҳамкорлик қилдиган гендер тенглик ва инсон ҳуқуқлари соҳаларига алоҳида аҳамият қаратиш тақозо этилади.

Ўзбекистон томонининг фикрича, БМТ механизмлари, шу жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглик, ёшлар сиёсати, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар юзасидан парламент аъзолари учун ўқув семинарлари ва тренинглар ташкил этиш зарур.

Бу ҳақда сўз борганда, мамлакатимизнинг БМТ конвенцияларини бажариш бўйича даврий маърузаларни қўриб чиқишда қатнашадиган делегациялар таркибига миллий парламент аъзоларини киритиш амалиётини ибратли намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

ПАИнинг 2021 йили бўлиб ўтган 142-ассамблеясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты А. Асланов ПАИнинг Ёш парламентарийлар форуми аъзолигига қабул қилинди; Қонунчилик палатаси кўмитаси раисининг ўринбосари Н. Тилаволдиев ПАИнинг Демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича доимий кўмитаси аъзолигига сайланди; Қонунчилик палатаси депутаты М. Баратов ПАИнинг Барқарор тараққиёт бўйича доимий кўмитасига аъзо бўлди.

Бундан ташқари, ПАИ Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида парламентларнинг ролини ошириш тўғрисида”ги резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусини халқаро ташкилотлар раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Гендер сиёсати тажрибаси

Жаҳондаги миллий парламентлар аёл спикерларининг 14-саммити жорий йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтади. Мазкур саммитнинг Ўзбекистон, умуман, Марказий Осиёда илк бор ўтказилиши жаҳон ҳамжамияти томонидан мамлакатимизнинг парламентаризмин ривожлантириш борасидаги натижалари, гендер сиёсатда эришган самаралари, жамиятнинг демократлаштириш йўлидаги шиддатли ислохотлар тўғрйли қўлга киритган ютуқларининг эътирофидир.

Миллий парламентлар аёл спикерларининг саммити фикрлашиш ва парламент тажрибасини алмаштиш, шунингдек, етакчи аёллар ўртасида алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш учун қўлай мулоқот майдонини ҳисобланади. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, аввалги саммит 2021 йил сентябрь ойида Вена шаҳрида бўлиб ўтган ва коронавирус пандемиясининг оқибатларини бартараф этиш масалаларига бағишланган эди.

Шу ўринда Ўзбекистонда аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор тўғрйли 2020 йлда мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилигани қайд этиш лозим. Аёллар сони Қонунчилик палатасида депутатлар умумий сонининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизини ташкил қилади, бу орқали Ўзбекистон тарихида илк мартаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етишига эришилди.

Жаҳон банкининг аёллар, бизнес ва қонун индексиде 2020 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 давлат қаторига киритилди ва 5 погонага юқорилаб, 190 давлат орасида 134-ўринни эгаллади.

Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ишлаб турибди. Хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги улуши 44 фоиз, олий таълимда 40 фоиз, тадбиркорликда 35 фоизга етди. Вазирик ва идораларда 15 мингдан зиёд кадрлар захираси шакллантирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан шу йил 20 июнда бўлиб ўтган учрашувда “Ҳар қандай ин-

сон учун муҳим ва муқаддас қадрият — бу унинг оиласидир”, деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари оила институтининг конституциявий асосларини ривожлантириш мақсадида Конституциямизда “оила аёл ва эркакнинг ижтимоий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида шаклланиши”, жамиятнинг табиий ва таъинч бўлини, жамият ва давлатнинг алоҳида ҳимоясида эканини мустаҳкамлаш тақлифини билдирди. Шунингдек, Юртбошимизнинг ўқитиришча, ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланишини Асосий Қонуниимизда қатъий белгилла қўйиш лозим.

Президентимиз томонидан аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун давомий равишда кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда. Хусусан, “Инсон кадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида борада ҳам устувор вазифалар белгиллаб қилинди.

2026 йилга қадар малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлашни сифат жиҳатида янги босқичга кўтариш, ахтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олиш, ҳам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилиш шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари аёлларнинг саломатлигини тиклаш ва уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳам қатор тadbирлар амалга оширилишини маълум қилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз аёлларининг бу ва бошқа муаммоларини ҳал этиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасини ташкил қилиш бўйича Президент Фармони имзоланди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида давлат ва жамият томонидан амалга оширилаётган маъсулйатли ишлар халқаро мезону талабларга тўла ҳамохангдир. ПАИ Бош котиби Мартин Чунгонг қайд этганидек, “Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий фаолиятида иштирок этишларини рағбатлантириш, сиёсий соҳа ва давлат ишларида тенг ҳуқуқли асосда қатнашларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларнинг таълим олишлари ҳамда касб ўрганишлари масаласига пандемиядан кейинги тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда”.

Парламентаризм ва ёшлар

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган “Парламентда ёшларни қўллаимиз” мавзудидаги ёшлар парламент форумида ҳам иштирок этди.

Учрашувда ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида, жумладан, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда эришилган натижалар, ёшларнинг давлат бошқаруви ва парламентдаги иштироки масалалари кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ёшлар манфаатларини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган мазмунда ва самарали ислохотлар олиб боришмоқда. Бунда, айниқса, ёшлар ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистоннинг халқаро минбарлардан билдираётган ташаббуслари алоҳида эътибор билан қабул қилинаётгани улкан аҳамиятга эгадир.

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби ҳам ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги сиёсий ва маданий-гуманитар ташаббусларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш зарурлигини эътироф этгани бежиз эмас. Чунки ёшларнинг бутун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги қонун ижодкорлиги ҳараёнида иштирок этиши муҳим омил ҳисобланади.

Мартин Чунгонг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, навқирон авлод вакилларига тааллуқли қарорларни қабул қилишдаги фаолият билан ҳам яқиндан танишди. Ёшлар парламентлари аъзоларининг қонунчилик жараёни, парламент фаолияти, ёшлар билан ишлашда тўплаган маҳаллий тажриба ва лойи-



ҳалари мўътабар меҳмонда катта қизиқиш уйғотди.

Экология муаммолари ва маъсулият

ПАИ ўзининг парламентлараро глобал ҳамкорлик борасидаги фаолиятида иқлим ўзгаришларига нисбатан халқаро даражадаги сазй-ҳаракатларни янада кучайтиришга ҳам интилиммоқда. Бунда дунё мамлакатлари парламентларининг ролини ошириш истикболларига алоҳида эътибор қаратилаётгани жуда муҳим.

Иқлим ўзгаришларининг ачинарли оқибатлари, асосан, ривожланаётган ва камбағал аҳоли кўпчилигини ташкил этадиган мамлакатларда, айниқса, яққол сезилимоқда. Ушбу мамлакатларда озик-овқат ва инчимлик суви тақчиллиги, шунингдек, ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши оқибатлари тобора жиддий муаммога айланиб бораётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

ПАИ жаҳон жамоатчилигининг иқлим ўзгаришлари бўйича хабардорлигини янада ошириш ва турли сиёсий партиялар вакилларида ташкил топган парламентлар аъзоларининг ушбу муаммога ечим топишга қаратилган сазй-ҳаракатларини рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Бу ўринда нафақат иқлим ўзгариши масалалари бўйича тўғридан-тўғри масъул ёки илми мавзуга бевосита қизиқадиган сиёсатчилар, балки иқлимга оид самарали сиёсат олиб бориш ва қонунлар қабул қилишда ҳал этувчи ўрин тутадиган алоҳида жавобгар шахсларнинг фаолиятини ҳам қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида БМТ шафелигида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилиш мақсадида 2023 йили Ўзбекистонда Атроф-муҳит бўйича БМТнинг юқори даражадаги олтинчи ассамблеясини ўтказиш тақлифини илгари сурди. Ана шу ассамблеяда БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутун-жаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суриш мўлжалланмоқда.

Экология муаммолари сарҳад билмайди. Шунинг учун иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ масалаларни ҳар қайси давлат ўз ҳолича ҳал этишга интилиши қутилгандек самара бермаслиги табиий.

Шу маънода, бутун дунё давлатлари ва барча халқаро ташкилотлар иштирокида иқлим ўзгаришларига қарши курашиш учун ягона халқаро коалиция тузиш зарурати жуда долзарбдир. Жаҳон ҳамжамияти ўзаро бирлашган тақдирдагина бутун инсоният ва ҳар бир инсон ҳаётини ахшиллаш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самаралари

Парламентлараро Иттифоқнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган коммуникация стратегияси ПАИга ҳарчи бир ёш йил давомида коммуникация соҳасидаги фаолиятини тубдан кучайтириш орқали ўзининг стратегик мақсадларига эришиши учун ёрдам беради. ПАИнинг янги Коммуникация стратегияси бу борада 2019 — 2021 йилларда амалга оширилган стратегиянинг узвий давомидир.

Ўтган даврда ПАИ рақамли трансформация йўлига ўтди, ўз аъзолари билан алоқа каналларини кенгайтирди ва янада фаоллаштирди. Айниқса, оммавий ахборот воситалари орқали маълумот тарқатиш имкониятлари тубдан оширилди.

Ўз навбатида, янги Коммуникация стратегияси дунё мамлакатлари парламентлари, парламентлар аъзолари ва ПАИ фаолиятини ёритишнинг янгича имкониятларини яратиш ҳамда янгида-янги воситаларидан самарали фойдаланиш учун йўл очмоқда.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ПАИ — бутун дунё парламентларини жишлантириш ва демократияни таъминлашга интилаётган ноёб

1 2 3 4 5 6